

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2024 йил 16 октябрь куни фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтохур туманлараро суди, ўз биносида, очик суд мажлисида

Суд раиси М.З.Гуламова раислигида,

М.Шорахматованинг котиблигида, даъвогар Д.Ф.нинг жавобгар Д.Х.га нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича юритилган 2-1003-2301/20707-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Даъвогар Д.Ф. 18.08.2023 йилда жавобгар Д.Х.га нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилиб, жавобгар билан 02.02.2011 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганликларини, биргаликдаги турмушидан икки нафар 28.02.2012 йилда туғилган И.И. ва 07.12.2013 йилда туғилган И.М. исмли фарзандлари борлигини, жавобгар оиладаги масъулиятни хис қилмаслиги ва хиёнати сабабли ўрталарида тез-тез жанжаллар бўлиб турганини, бунинг натижасида уларнинг оиласи барбод бўлганлигини, у жавобгар билан ўртадаги оилани сақлаб қолишга кўп ҳаракат қилганлигини, бироқ, унинг ҳаракатлари зое кетганлигини, жавобгар билан ўртадаги эр–хотинлик муносабатлари 2022 йилнинг май ойида тугатилганлигини ва шундан буён алоҳида яшаб келишларини баён қилиб, суддан жавобгар билан ўртадаги никоҳдан ажратишни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар Д.Ф. даъво аризани қувватлаб, аризада келтирилган ҳолатларни баён қилиб, жавобгар билан бирга яшаган вақтларида жавобгар оиласига қарамаганини ва моддий томондан таъминламаганлигини, жавобгар бирон бир жойда муқим ишламай, телефонда турли ўйинлар ўйнаб, бировлардан қарз бўлиб қолганлигини, жавобгар билан оиладаги муҳит унинг ва болаларининг руҳиятига салбий таъсир кўрсата бошлаганлигини, уни овозини эшитса асабийлашадиган одат чиқарганлигини, у фарзандлари келажаги учун доимо жавобгарни кечириб келганлигини, бироқ, жавобгар унга берган оилани тиклаш ва оилага бўлган муносабатини ўзгартириш ҳақидаги ваъдаларини бажармаганлигини, уларнинг оилавий муносабатлари маҳалла фаоллари иштирокида муҳокама қилинганлигини, бироқ, бу ҳаракатлар натижа бермаганлигини, унинг жавобгар билан никоҳдан ажралиш қарори қатъий эканлигини, суд томонидан берилган муддат ичида ҳам оиласи тикланмаганлигини, сабаби оила тамомила барбод бўлганлигини таъкидлаб, суддан даъво талабларини қаноатлантириб беришини сўради.

Суд мажлисида жавобгар Д.Х. даъво талабини тан олмай, даъвогар билан 02.02.2011 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганликларини, биргаликдаги турмушидан икки нафар фарзандлари борлигини, оилани тиклашга ҳаракат қилганлигини, бироқ, даъвогар у билан гаплашишни истамаганлигини, у даъвогар билан никоҳдан ажралишга қарши эканини билдириб, суддан даъво аризани рад қилишни сўради.

Суд тарафларнинг иш юзасидан берган тушунтиришларини тинглаб, даъво талабларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъвогарнинг даъво аризасини қаноатлантиришни лозим топади.

Аниқланган ҳолатларга кўра, тарафлар 02.02.2011 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлар. Биргаликдаги турмушидан икки нафар 28.02.2012 йилда туғилган И.И. ва 07.12.2013 йилда туғилган И.М. исмли фарзандлари бор.

Тарафлар ўртасида юзага келган келишмовчиликлар ва жанжаллар ўзаро ҳурмат-ишонч, бир-бирини тушуниш ва меҳр-муҳаббат туйғуларини йўқолишига сабаб бўлган. Тарафлар 2022 йилнинг май ойдан бошлаб бирга яшамайдилар ва умумий рўзғор юритмайдилар. Ўрталаридаги эр–хотинлик муносабатлари ҳам шу вақтдан бошлаб тугатилган.

Суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 40-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 06-сонли қарори талабларига биноан тарафларнинг оиласини тиклаш мақсадида уларга ярашиб олишлари учун тақдим қилинган олти ой муҳлат ҳам ижобий натижа бермаган.

Ушбу ҳолатлар эса тарафларнинг оиласи батамом барбод бўлганлигидан ва уни сақлаб қолиш имкониятлари қолмаганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасига кўра, оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир. Никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 41-моддасига кўра, агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорининг 16-бандига кўра, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талаб, фақат, эр-хотин бундан буён бирга ҳаёт кечиришларининг ва оила батамом бузилганлиги сабабли уни сақлаб қолишнинг иложи йўқлиги аниқланган ҳолдагина қаноатлантирилиши лозим.

Суд юқорида қайд этилган қонун ва Пленум қарорининг раҳбарий кўрсатмаларига асосланиб, даъвогарнинг никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво талабини қаноатлантириб, тарафларни никоҳларидан ажратишни лозим топади.

Шунингдек, суд Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 45-моддаси ва 06.01.2020 йилдаги “Давлат божи тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонунига илова Давлат божи ставкалари миқдорларининг 5-қисми 6-бандига мувофиқ никоҳдан ажратиш ҳолатларини расмийлаштиришда жавобгардан давлат фойдасига базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида давлат божи ундиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 249–253-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Даъвогар Д.Ф.нинг жавобгар Д.Х.га нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво талаби қаноатлантирилсин.

Д.Х. ва Д.Ф. (никоҳга қадар фамилияси Ш-ва) ўрталаридаги 02.02.2011 йилда Тошкент шаҳар Оила маросимлари маркази томонидан 82-сонли далолатнома ёзуви билан қайд этилган никоҳдан ажратилсинлар.

Никоҳдан ажратиш ҳолатларини расмийлаштиришда жавобгар Д.Х.дан давлат фойдасига базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдоридан давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори устидан у қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида ёки қонуний кучга кирган ва апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори устидан у қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида кассация тартибида шикоят берилиши ёхуд прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:

М.З.Гуламова